

А Ж Р И М

2022 йил 7 ноябрь куни, жиноят ишлари бўйича Олмазор туман суди,
ўз биносида, очиқ суд мажлисида,
раислик қилувчи судья Х.Содиқов,
судья ёрдамчиси Ш.Каримовнинг котиблигида, Олмазор туман
прокурорининг ёрдамчиси А.Абдузохиров ҳамда Б.Маматқуловнинг
иштирокида,

Маматқулов Баходир Мухаматхошимович
(Mamatqulov Bahodir Muxamatxoshimovich),
1983 йил 25 апрель куни Фарғона вилоятида
туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон
Республикаси фуқароси, маълумоти олий,
оилали, вақтинча ишсиз, муқаддам
судланган, Тошкент шаҳар, Олмазор тумани,
“Гўзарбоши” МФЙ, Нурафшон кўчаси, 27-уй,
11-хонадонда яшовчининг

судланганлик ҳолатини олиб ташлаш тўғрисидаги илтимосномасини кўриб
чиқиб, қуйидагиларни,

А Н И Қ Л А Д И ;

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг 2019 йил
27 сентябрдаги ҳукмига кўра, Маматқулов Баходир Мухаматхошимович
Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 210-моддаси 2-қисми “а,г” бандлари,
235-моддаси 3-қисми ва 236-моддаси 2-қисми билан айбдор деб топилиб,
ЖКнинг 45,57-моддаларини қўллаб, ЖКнинг 59,62-моддалари тартибида
3 йил мансабдорлик ва моддий жавобгарлик билан боғлиқ лавозимларда
ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган ҳолда энг кам ойлик иш ҳақининг
500 баравари миқдорида 86.120.000 сўм жарима ва 5 йил озодликни
чеклаш жазоси тайинланган.

Тайинланган 86.120.000 сўм жарима 25.12.2019 йилда тўлиқ
тўланган.

Жиноят ишлари бўйича Олмазор туман судининг 2021 йил
18 июндаги ажримига кўра, Маматқулов Баходир Мухаматхошимович
Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддасига асосан мансабдорлик ва
моддий жавобгарлик билан боғлиқ лавозимларда ишлаш ҳуқуқидан
маҳрум қилиш жазосининг ўталмаган 1 йил 4 ой 18 кунидан муддатидан
илгари шартли озод қилинган.

Жиноят ишлари бўйича Олмазор туман судининг 2021 йил
13 сентябрдаги ажримига кўра, Маматқулов Баходир Мухаматхошимович
Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддасига асосан озодликни чекаш
жазосининг ўталмаган 2 йил 5 ой 29 кунидан муддатидан илгари шартли
озод қилинган.

Суд мажлисида Б.Маматқулов ўз аризасини қувватлаб, у келгусида
ўз мутахассислиги бўйича ишлаш зарурияти мавжудлигини ва оилавий



шароитини инобатга олиб судланганлигини олиб ташлашни сўраб кўрсатма берди.

Суд, Б.Маматқуловнинг аризасини ҳамда илова қилинган иш ҳужжатларини атрофлича ўрганиб чиқиб, қуйидаги асосларга кўра, аризани қаноатлантирмасликни лозим деб ҳисоблайди.

Жиноят ишлари бўйича Олмазор туман судининг 2021 йил 13 сентябрдаги ажримига кўра, Маматқулов Баходир Мухаматхошимович Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддасига асосан озодликни чекаш жазосининг ўталмаган 2 йил 5 ой 29 кунидан муддатидан илгари шартли озод қилинган.

Бундан кўринадики, 2021 йил 13 сентябрь кунидан ҳозирги кунга қадар Б.Маматқуловни озод қилинган жазосининг шартлиги муддати, яъни 2 йил 5 ой 29 кун ўтмаган.

Бу ҳолатда, Б.Маматқуловни судланганлигини олиб ташлаш мақсадга мувофиқ бўлмайди.

Юқоридагиларга асосан ва Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 77-80-моддалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 541 ва 544-моддаларига амал қилиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И:

Маматқулов Баходир Мухаматхошимович (Mamatqulov Bahodir Muxamatxoshimovich)нинг судланганликни олиб ташлаш тўғрисидаги аризасини қаноатлантириш рад қилинсин.

Ажримдан норози томон 20 (йигирма) кун ичида, шу туман суди орқали, Тошкент шаҳар судига апелляция тартибида хусусий шикоят бериши ёки хусусий протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи

Х.Содиқов

